



## ОШЛОВЧИ ТОТИМ(СУМАХ) КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ҲАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**И.Р.Асқаров**

*Ўзбекистон “Табобат” Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.*

**Б.Г.Жуманова**

*ФЖСТИ “Халқ табобати ва фармакалогия” кафедраси уқитувчи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда учрайдиган Тотим(Сумах) ўсимлигини морфологияси, кимёвий таркиби ,фармакологияси ва халқ табобатида ишлатилиши тўғрисида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** сумах, сирка дарахти, танин, антиоксидант ,сафро секрцияси, билирубин, қанд касаллиги, ме’да шираси

## ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ СУМАХА И ЕГО ПРИМЕНЕНИЕ В НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЕ

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются морфология, химический состав, фармакология и народная медицина растения сумах, встречающегося в Узбекистане.

**Ключевые слова:** сумах, уксусное дерево, танин, антиоксидант, желчеотделение, билирубин, сахарный диабет, желудочный сок.

## CHEMICAL COMPOSITION OF SUMACH AND ITS USE IN FOLK MEDICINE

**Abstract:** This article discusses the morphology, chemical composition, pharmacology and folk medicine of the Sumach plant found in Uzbekistan

**Key words:** sumah, vinegar tree, tannin, antioxidant, bile secretion, bilirubin, diabetes, gastric juice

Биз биламизки Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси жуда ҳам хилма хилдир. Мафтункор она табиатимизда учрайдиган кўплаб ўсимликлар ўзининг ноёблиги, энг асосийси шифобахш хусусиятларга эга эканлиги билан алоҳида қийматга эга. Шундай шифобахш ўсимликлардан бири бу Сумах (Тотим) дир. Сумах номи арабийча суммақ сўзидан келиб чиққан бўлиб, тўқ қизил деган ма’нони билдиради. Сумах зираворларидан фойдаланишнинг минг йиллик тарихи қадимги Сурия ва Эронга бориб тақалади.

Тотим(Сумах)-Рхус сориариа.Л,(Сумах дубильный). Тотим пистадошлар-Анасардиасеае оиласига мансуб. Кичикроқ дарахт ёки 1-3м бўладиган бута сингари учратиш мумкин. Ўсимлик танаси ва кўп йиллик шохлари тўқ жигарранг тусда. Барглари тоқ пацимон мураккаб, 4-8 жуфт чўзиқ-тухумсимон, четлари йирик аррасимон қиррали барглардан ташкил топкан. Гуллари бир жинсли, майда, кўримсиз,

беш бўлакчи, яшил-оқ тусда. Рўваксимон тўпгулда жойлашган. Меваси-қизил рангда, шарсимон, майда данакли мева. Тотим июн-июл ойларида гуллайди, меваси сентябр-октябр ойларида пишиб етилади



Тотим(Сумах) ўсимлиги асосан Ўсимлик

Кавказ, Қрим, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг қуруқ тошлоқ ва охақли тоғ қияларида. 1000 м баландликдаги тоғларда ва 1800 м

баландликдаги Помир тоғларининг асосан жанубий ён бағирларида ўсади, чунки, ўсимлигимиз ёруғсевар ўсимликлар қаторига киради. Сумах ҳароратга чидамли бўлиб -20 С совуққа бардош беради.

Тотим(Сумах)нинг кимёвий таркиби айниқса фойдали микро ва макро элементларга ва қўшимча биофаол моддаларга жуда ҳам бой. Витаминлардан

- А – 0,7 мкг;
- Б1 – 1,15 мг;
- Б2 – 1,3 мг;
- Б5 – 3,7 мг;
- Б6 – 1,5 мг;
- Б9 – 0,28 мкг;



- С – 69,1 мг;
- Д – 0,011 мкг;
- Э – 15 мг;
- К – 0,08 мкг;
- ПП – 15 мг.

Минераллардан


- калий - 1807 мг;
- кальций - 987 мг;
- натрий – 948 мг;
- магний – 276 мг;
- олтингугурт – 1000 мг;
- фосфор – 852 мг;
- темир - 13,7 мг;
- мис – 0,8 мкг;
- синк – 9,7 мг;
- селен - 0,04 мкг;
- фторид – 3 мкг.

Биологик фаол моддалардан


бета-каротин;

- ниацин;
- моно-, дисахаридлар;
- тўйинган ёғ кислоталари;
- Омега-3,6 ёғ кислоталари

Сумахнинг асосий фаол моддаси танин хисобланади. Структура элементи:



Галлат кислота



Флавон

Танинлар икки синфга бўлинади:

гидролизланадиган танинлар - кўп атомли спирт, масалан, глюкоза билан ҳосил бўлган, гидроксил гуруҳлари галлик кислота ёки тегишли бирикмалар билан қисман ёки тўлиқ эстерификацияланган;



конденсацияланган танинлар - фенолик бирикмалар, масалан, катехинларнинг конденсацияси натижасида ҳосил бўлади.

Барглари таркибида 25-33% ошловчи модда ташкил қилади бундан 10-20.9% танин хиссобида тўғри келади. Бундан ташқари 4.8% гача галлат кислотаси, флавоноидлар, ефир мойлари, 112 мг С витамини, бўёқ ва бошқа моддалардан ташкил топқан. Сумах барги асосий танин манбайи хиссобланади.

Тотим (Сумах) ўсимлигидан ҳалқ табобатида жуда кўплаб касалликларни даволаш ва олдини олишда фойдаланиб келинган. У ўзининг яллиғланишга қарши ва замбруғларга қарши хусусиятлари билан машҳур, тананинг қаришини олдини олади ва ноёб антиоксидантлик хусусиятга эга. У витамин С ва омега-3, оқсиллар, аминокислоталар ва инсон саломатлиги учун муҳим микроэлементларга - калий, калций, магний ва фосфорга бой. Сумах антисептик хусусиятга эга ва кўпинча овқат ҳазм қилиш учун восита сифатида ишлатилади. Тиббий мақсадларда у антиоксидант ролини ўйнайди, организмни кераксиз зарарли моддалардан халос қилади. Бундан ташқари, бу зираворлар диабет билан оғриган одамнинг ҳолатига фойдали таъсир кўрсатади.

Сумах организмга фойдаси ошқозон-ичак трактига фойдали таъсир кўрсатади, овқат ҳазм қилиш жараёнини рағбатлантиради, сийдик пуфаги касалликларининг олдини олиш ва даволашда ёрдам беради, яллиғланиш жараёнини энгиллаштиради, энгил яллиғланишга қарши таъсирга эга, қон айланишини нормаллаштиради. Сумах антисептик ва иммуномодуляцион таъсирга эга зиравордир. Ушбу маҳсулот эркак ва аёлнинг репродуктив тизимида ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Сумах анъанавий тиббиёт рецептларида систит ва сийдик тизимининг бошқа касалликларига қарши воситаларни тайёрлаш учун ишлатилади.

Ўсимлик таркибидаги танин моддаси бор. Танин буруштирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши восита ситатида фойдаланилади. Сумах ўсимлигини тиббиётда баргларидан ва меваларидан қадимдан фойдаланиб келинган. Сумах ҳалқ тилида сирка дараҳти деб ҳам номланади. Сумах ўсимлигини оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва хондропротектор хусусиятлари бор. Сумах меваси ва уруғларида эса ме'да-ичак фаолиятларини яхшилашда, ўт ва сафро ҳайдаш, жигар фаолиятларини яхшилаш ва замбруғ касалликларини даволашда фойдаланилади. Сумах мевалари оғиз орқали қабул қилинганда ошқозон ва йўғон ичакларга қувват беради. Ошқозонга о'т оқишини тўхтатади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Тотим (Сумах) ўсимлигини фойдали хусусиятлари жуда кўп. Ҳалқимиз қадимдан сумахни зиравор сифатида ишлатиб келган. Тотим (Сумах) ни кимёвий таркибини ўрганиш давомида унинг таркибида жуда кўп макро ва микро элементлар (50%), ошловчи моддалар (25-33%), галлат кислотаси (4,8%), 115 мг аскорбин кислотаси, биоген моддалар (20%) ва танин алкалоиди (20%) борлигини ўрганиб чиқдик. Тотим (Сумах) ни кимёвий таркибида кўп миқдорда аскорбин кислотаси ва танин алкалоиди борлиги сабабли Тотим (Сумах)



Ўсимлигидан иммунитет оширувчи ва нафас йўллари касалликларни даволовчи, яллиғланишга қарши озиқ-овқат кўшилмаларини ишлаб чиқариш ва амалётга ишлатиш тавсия этилади. Тотим(Сумах)ни ҳалқ табобатида ҳам замонавий тиббиётда ҳам жуда кўплаб касалликларда ишлатиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И. Асқаров. Табобат қомуси. Тошкент. Мумтоз сўз. 2019.
2. Профессор И. Р. Асқаров. Табобат Қомуси.
3. Профессор И. Р. Асқаров. Далилларга асосланган ҳалқ табобати усуллари.
4. Профессор И. Р. Асқаров. Фитотерапия
5. Қаюмов А. Қ., Бердиев Э. Т., Ҳамроев Ҳ. Ф., Турдиев С. А. Дендрология-тошкент, - "Фан ва технологиялар" ., 2015
6. Х. Холматов У. Ахмедов. Фармакогнозия 1997й
7. Губанов И. А. Лекарственные растения, Москва, 1993
8. Ибрагимов А. Й. Доривор ва зиравор ўсимликлар. Тошкент, 2005й
9. Ҳ. Т. Авезов. З. А. Сулаймонова. Биофаол моддалар кимёси фанидан лаборатория машғулоти. Бухоро 2021.
10. Лагеръ А. А. Фитотерапия - Красноярск. Изд-во Красноярского университета, 1988.
11. Б. С. Исломов. М. А. Ҳасанов. Ўсимликлар интродукцияси. Самарқанд 2022. 161 б.
12. Абдуллаева, Г. М. Махсудова, Т. Е. Усманова "Фарғона шаҳар инфраструктурасида ўсимликларнинг тугган ўрни ва роли" Проседингс оф Интернационал Сонференсе он Модерн - 2023
13. Абдуллаева, М. Т., & Усманова, Т. Э. (2022). Фундаменталс оф орнаментал плант протестион. Эурасиан Жоурнал оф Асадемис Ресеарч, 2(1), 104-104.
14. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=hKvs\\_GgAAAAJ&sortby=pubdate&citation\\_for\\_view=hKvs\\_GgAAAAJ:WF5omc3nYNoC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=hKvs_GgAAAAJ&sortby=pubdate&citation_for_view=hKvs_GgAAAAJ:WF5omc3nYNoC)
15. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=hKvs\\_GgAAAAJ&sortby=pubdate&citation\\_for\\_view=hKvs\\_GgAAAAJ:eQOLeE2rZwMC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=hKvs_GgAAAAJ&sortby=pubdate&citation_for_view=hKvs_GgAAAAJ:eQOLeE2rZwMC)